



INFORMATION ON THE HISTORY OF TRANSCONTINENTAL ROUTES IN ARABIC AND PERSIAN SOURCES (ON THE EXAMPLE OF CENTRAL ASIA)

Dilshodbek Kozimjonovich Yusupov

History teacher at the specialized school

Independent researcher at Fergana State University (FergSU)

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Abu Bakr Muhammad ibn Ja'far Narshahi, Abu Rayhan Beruni, Tabari, Ahmad ibn Yahya ibn Jabir al-Balazuri, Istakhri, Ibn Havqal, Ibn Hurdadbeh, Hudud ul-Alam, Shamsuddin Muqaddasi, History of Sistan.

Abstract: The article analyzes information about transit routes between cities and trade routes between regions, given in Arabic-language sources, which constitute the main group of sources related to the history of the early medieval Central Asia.

Received: 19.04.26

Accepted: 20.04.26

Published: 21.04.26

АРАБ ВА ФОРС ТИЛЛИ МАНБАЛАРДА ТРАНСКОНТИНЕНТАЛ ЙЎЛЛАР ТАРИХИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР (МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИСОЛИДА)

Дилшодбек Козимжонович Юсупов

Ихтисослаштирилган мактаб Тарих фани уқитувчиси

ФАРДУ Мустақил изланувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Абу Райҳон Беруний, Табарий, Аҳмад ибн Йахйя ибн Жобир ал-Балазурий, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Ибн Ҳурдодбех, Худуд ул-олам, Шамсиддин Муқаддасий, Сеистон тарихи.

Аннотация: Мақолада Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихига оид манбаларнинг асосий гуруҳи ҳисобланган араб тилли манбаларда келтирилган шаҳарлар орасидаги транзит йўллари, минтақалар ўртасидаги савдо йўллари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

СВЕДЕНИЯ ПО ИСТОРИИ ТРАНСКОНТИНЕНТАЛЬНЫХ ПУТЕЙ В АРАБСКИХ И ПЕРСИДСКИХ ИСТОЧНИКАХ (НА ПРИМЕРЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ)

Дилшодбек Козимжонович Юсупов

Учитель истории специализированной школы

Независимый исследователь Ферганского государственного университета (ФарГУ)

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахи, Абу Райхон Беруни, Табари, Ахмад ибн Йахйя ибн Жобир ал-Балазури, Истахри, Ибн Хавкал, Ибн Хурдодбех ва “Худуд ул-алам”, Шамсиддин Мукаддаси, История Систана.</p>	<p>Аннотация: В статье анализируются сведения о транзитных путях между городами и торговых путях между регионами, приведенные в арабязычных источниках, составляющих основную группу источников, связанных с раннего средневековья Средней Азии.</p>
--	---

Кириш. Тарихий йўллар тарихи ҳақида маълумот беришда давр, сиёсий шароит, ижтимоий воқеликларга холис ёндашиш талаб этилади. Гарчи қадимдан бугунга қадар бўлган воқеликлар илмий адабиётлар, бадиий асарлар ва ҳаттоки дарсликларда ўз ўрнини топаётган бўлса-да, олдинда қилинадиган ишлар беҳисобдир. Жумладан тарихий йўллар тарихини ёритиш, тарихий жараёнлардаги ўрнига баҳо бериш, ютуқларини ўрганиш ва камчиликларидан хулосалар чиқариш ҳозирги кунимиз учун муҳим аҳамият эга.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Мусулмон муаллифларининг араб ва форс тили асарларида, хусусан, маҳаллий муаллифлардан Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар (Осар ал-боқия)”, шунингдек, Табарийнинг “Тарих” асаридаги сиёсий воқеалар, Ахмад ибн Йахйя ибн Жобир ал-Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатлар фатҳи”) асаридаги Хуросон ва Мовароуннаҳр билан боғлиқ маълумотлар, Истахрий, Ибн Хавкал, Ибн Хурдодбех ва “Худуд ул-олам”да, Шамсиддин Мукаддасийнинг асарларида ва “Сеистон тарихи” [1] каби асарларда келтирилган Хуросон ва Мовароуннаҳр боғлиқ маълумотларда Марказий Осиёнинг илк ва ривожланган ўрта асрлардаги сиёсий воқеалари, худуднинг географияси, шаҳарлари, табиий бойликлари, халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, урф-одати билан боғлиқ воқеликлар келдирилган.

Натижалар ва муҳокама. Шарқ Ренессанси даврида араб жуғрофия фанида юксалиш жараёни кечди, Бағдод ва Балх мактаби шаклланди. Абу Зайд ал-Балхий (ваф. 934) Балх мактабига асос солди. У асарида дунё ва X аср мусулмон оламининг йигирма иқлими харитасини тузди. Китобдаги ахборотлар Ўрта денгиз атрофи ва Марказий Осиё минтақаси билан бирга улкан минтақани қамраб олади. Балхий асари бизгача етиб келмаган, деб ҳисобланади. Унинг асарини саёҳатлари ва янги маълумотлари билан

тўлдирган Истахрий таржимаи холига оид маълумотлар етарли эмас. Ибн Ҳавқал Истахрий маълумотларига қўшимчалар киритиб, ўз асарини ёзади. Мазкур икки сайёҳ асарларига оид чалкашлик икки асрдан буён турли баҳсларга сабаб бўлмоқда ва ҳануз яқуний ечимини топмаган. Бу борада академик И.Ю. Крачковский ҳам жиддий тадқиқот ўтказилиши зарурлигини таъкидлаган эди [2].

IX аср араб географ олими ал-Яъқубий (Абул Аббос Аҳмад ибн Я'қуб) Бағдодда туғилиб, узоқ йиллар давомида Араб халифалиги таркибига кирган Арманистон, Хуросон, Фаластин, Миср ва Мағрибда яшаган. Ал-Яъқубий ушбу вилоятлар маъмуриятида мас'ул лавозимларда ишлаган, деб тахмин қилиш мумкин (Унинг бобоси ва отаси давлат амалдорлари бўлиб, турли вилоятларда халифа учун маълумотлар тўплашган, деган фикрлар бор). Шубҳасиз, узоқ муддат давомида турли мамлакатларда яшаш унга бўлажак китоблари учун материаллар тўплаш имкониятини берган. Жумладан, “Китоб ал-булдон” (“Мамлакатлар тўғрисидаги китоб”) номли асарида [3] ал-Яъқубий кўп мамлакатлар қаторида Эрон, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Сейистон ҳақида, уларнинг жуғрофий жойланиши, йирик шаҳарлари ва қал'алари, аҳолиси, унинг машғулотлари ва урф-одатлари тўғрисида қизикарли маълумотлар ёзиб қолдирган. “Китоб ал-булдон” асарининг иккита нусхаси Германияда сақланмоқда. Асарнинг арабча матни 1892-йилда Лейденда голланд шарқшунос-олими М. Я. де Гуге томонидан нашр этилган [4].

Балазурий IX асрда яшаган тарихчи ва географ олим, мусулмон тарихчиларининг дастлабки ҳисобланган Мадоинийнинг шогирдидир. Унинг биз учун энг муҳим асари “Китоб футух ал-булдон” Араб халифалигининг Ўрта Осиё, жумладан Фарғона водийсига бир аср давомида амалга оширган истилчилик юришлари тарихини ўрганиш бўйича асосий манбалардан бири ҳисобланади. Асарнинг араб тилидаги танқидий матни де Гуге томонидан Лейденда 1866 йилда нашр этилган [5]. “Китоб футух ал-булдон”нинг Хуросон истилоси қисми тожикистонлик олим Г.Гоипов, Ш.Закиров [6] томонидан рус ва Ш.Камолитдин томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Мазкур асарда Фарғона тўғрисида маълумотлар кам бўлса-да, аммо маҳаллий манбалар йўқлиги сабаб ушбу маълумотлар ҳам тадқиқот учун аҳамиятлидир. Унда келтирилган маълумотларни бошқа манбалар билан қиёсий тарзда солиштириб фойдаланиш мумкин.

X асрда яшаган араб географи ва сайёҳи ал-Маъсудийнинг “Муруж аз-заҳаб” номли асарида Самарқанд, Суғд, Бухоро, Исфижоб [7] ҳудудлари қатори Фарғона тўғрисида, бу ерда истиқомат қилган туркий қабилалар, чегаралар бўйлаб жойлашган қарлуқлар [8], Косон қалъаси тўғрисида муҳим маълумотларни бериб ўтади [9].

Ўрта Осиёнинг тарихий йўллари, унинг Балх, Самарқанд ва бошқа шаҳарлари тўғрисидаги маълумотлар Ибн ал-Фақиҳнинг "Китоб ахбор ул-булдон" ("Мамлакатлар тўғрисидаги хабарлар китоби") асарида учрайди. Муаллифнинг ҳақиқий исми – Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳамадонийдир. И.Ю. Крачковскийнинг сўзларига қараганда, Ибн ал-Фақиҳ "Китоб ахбор ул-булдон"дан ташқари, шоирлар ҳақида 5 жилдлик китоб ҳам ёзган [10]. "Китоб ахбор ул-булдон" географияга оид асар сифатида нисбатан бирмунча заиф, лекин сиёсий тарих ва маданий ҳаётга оид материалларга бой асар. Ибн ал-Фақиҳ асарининг тўлиқ матни сақланмаган. Бизгача асарнинг 1022-йилда Али ибн Жаъфар аш-Шайзорий томонидан таҳрир этилган ва қисқартирилган нусхаси етиб келган. Ушбу нусха де Гуге томонидан Лейденда 1885-йилда нашр этилган. 1923-йилда эса Машҳаддаги Имом Ризо масжиди кутубхонасида "Китоб ахбор ул-булдон"нинг иккинчи қисми қўлёзмаси топилган [11].

"Китоб ал-масолик вал-мамолик" номидаги етти жилдлик улкан асарни ватандошимиз, давлат арбоби ва олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср ал-Жайҳоний яратган. У Бухорода Сомонийлар давлатида катта обро'га эга бўлиб, 914-йилдан ҳаётининг охиригача вазир бўлиб хизмат қилган. Олимнинг асосий асари тарихий жуғрофияга оид бўлиб, у яна "Китоб ал-молик фи маърифийи ал-мамолик" (Мамлакатларни билишда масофалар китоби) деб ҳам аталган. Бу китоб ўз даврида жуда машҳур бўлиб, барча кейинги олимлар Беруний, Гардизий, Ибрисий, Муқаддасий ва бошқалар ундан қимматли ва ишончли манба сифатида фойдаланганлар, иқтибослар келтирганлар. Жайҳоний асарида шарқ мамлакатлари, хусусан Мовароуннаҳр, турк қабилалари тўғрисида қимматли маълумотлар бўлган. Мазкур асар бизгача етиб келмаган бўлса-да, унинг номи барча йирик олимлар асарларида зикр қилинган ва Беруний, Ибн Хавқал, Гардизий ва Авфий асарларида парчалар келтирилганлиги, унинг қимматли манба эканлигидан гувоҳлик беради.

Абулҳасан Али ибн ал-Масъудий X асрнинг кўзга кўринган географ ва тарихшунос олими. Ал-Масъудий IX аср охирларида Бағдодда зодагон оиласида дунёга келган. Жуда кўп саёҳат қилган, турли ўлкаларда бўлиб, адабиёт, фалсафа, фикҳ, география ва тарих илмлари бўйича чуқур маълумотга эга бўлган, хусусан Мовароуннаҳрда бўлганда шаҳарлар ва одамлар ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган. Ал-Масъудий илмининг турли соҳаларига оид "Китоб ахбор уз-замон ва ажойиб ул-булдон" (Давр хабарлари ва мамлакатларнинг ажойиботлари ҳақида китоб) сингари 20 дан ортиқ асар ёзган. Ал-Масъудийнинг асарлари араб халифалиги, Мовароуннаҳрнинг IX-X асрлар тарихини ўрганишда зўр аҳамиятга эга. Улар ўзига хос географик қомус бўлиб, жаҳон халқлари ва

туркий халқларнинг тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳволи, урф-одатлари ҳақида бой маълумотга эга.

Тарихий манба сифатида эронлик олим Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Хурдодбех (820-913) нинг асарлари диққатга сазовордир. У нуфузли амалдор оиласида туғилган. Унинг отаси Табаристон вилоятининг ҳоқими бўлган. Абулқосим ёшлигида яхши маълумот олди, у жуғрофия, тарих, метеорология ва бошқа фанларни яхши ўрганди [12]. Фармернинг маълумотларига кўра, у араб мусиқаси тарихидан ҳам хабардор бўлган [13]. Халифа Муътаид (870-892) даврида у ҳукмдорга яқин киши (надим) эди, кейинчалик муҳим давлат лавозимларига тайинланди, жумладан, Жибал вилоятида (Эроннинг шимоли-шарқий қисми) почта ва разведка бошлиғи (соҳиб барид ва-л-хабар) лавозимида хизмат қилди. Ибн Хурдодбех турли фанларга оид 10 га яқин асар ёзди. Улар орасида энг муҳими "Китоб масолик ул-мамолик" ("Мамлакатларга элтувчи ёллар ҳақидаги китоб") ҳисобланади. Унда муаллиф Араб халифалиги таркибига кирган мамлакатлар тарихий географиясига оид қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Ибн Хурдодбех асарида Ўрта Осиёнинг шаҳарлари – Самарқанд, Кушония, Усрушона, Шахристон, Шош ва Исфижоб (Сайрам) ҳақида маълумотлар келтирилади [14]. Бизгача асарнинг фақат қисқартирилган варианты етиб келган. Уни 1889-йилда де Гуге нашр эттирган. Асарнинг русча таржимаси Н.Валиханова томонидан Бокуда 1986-йилда нашр этилди [15]. Тороздан Куйи Нушажонгача [16] 3 фарсах, кейин Қаср Басгача [17] 2 фарсах. Бу иссиқ жой, бу ерда қарлуқлар [18] қишлайдилар, уларнинг яқинида халажларнинг [19] қишлоқлари бор. Кейин Кул Шубгача [20] 4 фарсах, Жул Шубгача [21] 4 фарсах, бош қишлоқ Қулонгача [22] 4 фарсах (29 б), катта бир қишлоқ Биркигача [23] 4 фарсах. Асбарагача [24] 4 фарсах, катта қишлоқ Нузкатгача [25] 8 фарсах, катта қишлоқ Харанжавангача [26] 4 фарсах, Жулгача [27] 4 фарсах, катта қишлоқ Саригача [28] 7 фарсах, кейин туркашлар ҳоқонининг пойтахтигача [29] 4 фарсах, Навкатгача [30] 4 фарсах, Кубалгача [31] 3 фарсах, сўнг Юқори Нушажонгача [32], яъни Хитойнинг чегараси ўтадиган жойгача, ўтлоқ ерлар билан 15 кунлик қарвон йўли. Туркларнинг хат ташувчи чопарлари бу масофани уч кунда ўтади [33].

Ибн Хурдодбехга замондош бўлган яна бир эронлик географ олим ва сайёҳ Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий ал-Истахрий (850-934) эди. У кўп саёҳат қилган ва Мовароуннаҳр, Сурия, Миср, Мағриб сингари мамлакатларда бўлган. Ўз саёҳатлари чоғида ал-Истахрий ушбу мамлакатлар жуғрофиясига оид кўп материаллар тўплади ва кейинчалик "Китоб масолик ул-мамолик" ("Мамлакатларга элтувчи ёллар ҳақидаги китоб") номли асарини ёзди. У асарига ўзининг замондоши Абу Зайд Аҳмад ал-

Балхийнинг “Сувар ал-ақолим” (“Қит’алар тавсифи”) китобини асос қилиб олди ҳамда унга анча янги маълумотлар қўшди. Бошқа мусулмон мамлакатлари қаторида, ал-Истахрий Ўрта Осиё, унинг сарҳадлари, иқлими, табиати, шаҳарлари, дарёлари, тоғлари, ўсимлиги, ҳайвонот дунёси тўғрисида маълумотлар ёзиб қолдирган. Ал-Истахрий асарининг арабча матни уч марта (1870, 1927, 1967) Лейден шаҳрида нашр этилган. Рус тилидаги таржималари 1939-йилда, 1960-йилда, 1968-йилда, 1973-йилда чоп этилган. Унга биринчилардан бўлиб изоҳ ва мулоҳазаларни И. Ю. Крачковский [34] билдирган эди. Асар ХВИ асрадаёқ Абулмаҳосин Муҳаммад ал-Нахичевоний томонидан форс тилига таржима қилинган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург ва Тошкент шаҳарларида сақланмоқда.

Шамсиддин Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Башарий ал-Муқаддасий Фарғонанинг V-X асрлар тарихи тўғрисида маълумотлар ёзиб қолдирган араб географ олимидир. Унинг бизга маълум бўлган асари “Аҳсан ал-тақосим фи маърифат ал-ақолим” деб номланиб, унда келтирилган маълумотлар нафақат Фарғона водийси, балки бутун Ўрта Осиё учун ҳам аҳамиятлидир [35]. Фарғона шаҳарлари ва аҳолиси тўғрисидаги маълумотлар Муқаддасий асарининг иккинчи қисмидан ўрин олган. Асарда келтирилган Эфталийлар ва Талос жангги ҳақидаги маълумотлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга [36].

Жуғрофий билимларнинг кўпайишига араб сайёҳи ва олими Ибн Ҳавқал катта ҳисса қўшди. Абулқосим ибн Ҳавқал ал-Нисибий (976-йилда вафот этган), унинг нисбасини эътиборга олсак, Шимолий Месопотамиянинг Нисибин шаҳридан эканлиги маълум бўлади. Унда ёшлигиданок география фанига қизиқиш уйғонди. 943-йилда у саёҳатга отланди. Жуғрофия фанига оид китоб ёзишига Истахрий билан учрашуви туртки бўлди. Истахрий ундан ўзининг “Китоб масолик ул-мамолик” асаридаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишни илтимос қилади. Шу тариқа, 977-йилда Ибн Ҳавқалнинг “Китаб сурат ал-арз” (“Ернинг сурати ҳақидаги китоб”) номли асари дунё юзини кўрди. Асарнинг иккинчи номи – “Китоб масолик ва-л-мамолик” (“Масофалар ва мамлакатлар китоби”). Муаллиф Истахрийнинг асарини асос қилиб олади, уни таҳрир этиб, қайта ишлайди. “Мен, – деб ҳикоя қилади Ибн Ҳавқал, – унинг китобидаги бир эмас бир неча хариталарни тузатдим; сўнгра ушбу китобни ёзишга қарор қилдим, Истахрий китобида учраган хатоларни тузатдим; китобга бир талай хариталарни илова қилдим ва уларни изоҳлаб бердим” [37]. Кўп мамлакатлар қаторида, Ибн Ҳавқал Мовароуннаҳр ва Фарғонанинг ҳар томонлама жуғрофий тавсифини беради. Муаллиф Фарғона водийсининг Аҳсикат (пойтахт), Кубо, Ўзканд, Асбара (Исфара), Сух, Аввал, Косон каби шаҳарлари, шунингдек, Миён Рудон (Икки дарё – Норин ва Қорадарё оралиғи)

музофотига алоҳида тўхталиб ўтади. Ибн Ҳавқал асарига Мовароуннахрнинг харитасини илова қилади. Бу Ўрта Осиёнинг биринчи харитаси эди. Унда Жайхун дарёси, Бухоро, Самарқанд, Шош ва Исфижоб каби шаҳарлар, шунингдек, Усрушона ва Хоразм вилоятлари тасвирланган. "Китоб сурат ал-арз" 1873-йилда Лейденда М. Я. де Гуге, 1938-йилда эса (1086-йилда кўчирилган Истанбул нусхаси асосида) Крамерс томонидан нашр этилган [38].

Ибн Ҳавқал асарининг бизгача етиб келган бир нечта қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар Голландия, Туркия, Франция, Англия ва Германия сингари мамлакатлардаги кутубхоналарда сақланади. Асарнинг Истанбулдаги Тўпқапу саройи кутубхонасида 3346-рақам остида сақланаётган нусхасида ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқалнинг маълумотлари ХИИ асрнинг иккинчи ярмида номаълум муаллиф томонидан ўша даврга оид қўшимча маълумотлар билан бойитилган.

Асарнинг танқидий матни илк бор голландиялик олим М. де Гуге томонидан *Bibliotheca geographorum arabicorum* (Араб географлари кутубхонаси) туркуми (Лугдун-Батаворум, 1873) нинг 2-жилди сифатида нашр этилган бўлиб, унда асарнинг Лейден, Оксфорд ва Париж кутубхоналарида сақланаётган нусхалари жалб этилган. Асарнинг иккинчи танқидий матни француз олими Ж.Х. Крамерс томонидан нашр этилган бўлиб, унда асарнинг Тўпқапу саройи кутубхонасида сақланаётган энг тўлиқ нусхаси асос қилиб олинган, шунингдек асарнинг М. де Гуге тайёрлаган танқидий матни, Лейден, Оксфорд, Париж нусхалари ва форс тилидаги таржималари ҳам жалб этилган. Ушбу янги матн *Bibliotheca geographorum arabicorum* (Араб географлари кутубхонаси) нинг кейинги нашрлари (Lugduni-Batavorum, 1939, 1967, 1992) нинг 2-жилди сифатида М. де Гуге матнининг ўрнига киритилган [39].

Ибн Ҳавқал асарининг айрим қисмлари рус тилига таржима қилинган. Хусусан, А.Я. Гаркави асардаги славянлар ва руслар ҳақидаги маълумотларни (Санкт-Петербург, 1870), С.Волин асарнинг Хоразм, Исбижоб ва Тароз ҳақидаги қисмларини (Москва, 1939; Олмаота, 1960), Э.К. Бетгер Самарқанд, Насаф, Кеш, Шош, Усрушана, Исбижоб ва Фарғона ҳақидаги қисмларини (Тошкент, 1957) рус тилига таржима қилган. Мазкур таржималар асарнинг айрим қўлёзмалари ёки М. де Гуге тайёрлаган биринчи танқидий матнидан амалга оширилган.

О.Б.Фролова асарнинг Фарғона ҳақидаги қисмини Ж.Х.Крамерс тайёрлаган янги танқидий матнидан рус тилига қайта ўгирган (Тошкент, 1988). Асарнинг тўлиқ матни Ж.Х. Крамерс ва Г. Виет томонидан 2 жилдда француз тилига (Париж, 1965, 2001), Мовароуннахр ҳақидаги қисми турк тилига таржима қилинган (Анқара, 1985, 2001).

Асарнинг “Мовароуннаҳр” қисми Ҳ. Мамадалиев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (Тошкент, 2007). Р. Худайберганов ал-Истахрийнинг “Китоб масолик ал-мамолик” асарини, шу жумладан унинг “Мовароуннаҳр” қисмини ўзбек тилига таржима қилган (Тошкент, 2007). Лекин бу иккала таржима нашр этилмаган [40].

Таниқли сайёҳ Абу Дулаф бошқа мамлакатлар қаторида Мовароуннаҳрга ҳам келган ва бу ерда маълум вақт давомида маҳаллий ҳукмдорлар саройида хизмат қилган. Ўз саёҳатлари давомида тўплаган материаллар асосида иккита асар ёзди: “Рисолат ул-аввал” (“Биринчи рисола”) ва “Рисолат ул-ухро” (“Кейинги рисола”). Иккала асарнинг қўлёзмаси 1929-йилда Машҳад шаҳридаги кутубхоналардан бирида топилди. Қўлёзмаларни ўрганган таниқли рус шарқшунос олими И.Ю.Крачковский уларда келтирилган маълумотларнинг тўғри ва ишончли эканлигини таъкидлаган эди.

Араб сайёҳи ва географ олими Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Муқаддасий 947-йилда Қуддусда туғилиб, 1000-йилда вафот этган. У ўз саёҳатлари давомида тўплаган материаллар ва бошқа манбалар асосида “Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (“Олам қит’аларини ўрганиш учун энг яхши қўлланма”) номли асарини ёзди. Асарнинг иккинчи қисмида Ажам мамлакатлари, жумладан, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Сейистон ҳақида, уларнинг йирик шаҳарлари ва диққатга сазовор жойлари, маъмурий бўлиниши ва машҳур кишилари, аҳолиси, унинг машғулоти, диний эътиқоди ва урф-одатлари тўғрисида маълумотлар беради.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда араб ва форс тилларида яратилган асарлар Марказий Осиёнинг тарихий савдо йўллари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритишда бирламчи манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / А. Расулов тарж. – Тошкент: Фан, 1966. – 120б.; Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / А. Расулов тарж. // Мерос туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.82–174.; Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар (Осар ал-боқия) I жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2020. 624 бет; История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – 444 с.; Ал-Балазури, Ахмад ибн Йахйя ибн Джабир. Завоевание Хорасана (Извлечение из сочинение «Футух ал-булдон») / Пер. с араб. предисл., коммен. и указ. Г. Гаибова. – Душанбе: Дониш, 1987. – 118 с.; Балазури. Ал-Балазури. Китаб футух ал-булдан (Книга завоевание стран) / Пер. Ш. Закирова // Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2003. – С. 35–43; Истахрий. Хуросон ва Мовароуннаҳр / Араб тилидан

таржима, таджикот, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Р.Е. Худайберганов. – Тошкент: Фан, 2019. – 480 бет; Ибн Ҳавқал. Мовароуннаҳр / араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С. Камолиддин. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2011. – 400 бет; Ибн Хурдадбех. Книга путей и стран / Пер. с араб., коммент., указ., карты Н. Велихановой. – Баку: Элм, 1986. – 124 с.; Худуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи) / Форс тилидан тарж., сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсат. муаллифи Омонулло Бўриев. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – 64 бет; Schamso'd-dîn Abu Abdollah Mohammed ibn Ahmed ibn Abî Bekr al-Bannâ al-Basschârî al-Mokaddasi. Descriptio imperii moslemici auctore Ed. M.J. De Goeje / BGA, Pars 3. – Lugduni Batavorum, 1967. – 498 p.

2. Истахрий. Мамалик Китаб ал-масалик вал-. 2019Хуросон ва Мовароуннаҳр. Араб тилидан таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Р. Т. Худайберганов. — Тошкент: Фан,— Б. 5.

3. Al-Jakubi, Ahmad ibn Abi Jakub ibn Wadhîh al-Katib, Kitab al-Buldan / Ed. M.J. de Gouje. – Bibliotheca Geographorum Arabicorum, Pars 7. – Lugduni-Batavorum: E.J. Brill, 1967. P. 231 – 373.

4. Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (қадимги замон ва ўрта асрлар). – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б. 112.

5. Al-Balazuri. Liber_expugnationis regionum, auctore Imamo Ahmed ibn Jahja ibn Djabir al-Belol, quem a codice Leidensi et codice Musei Britannici ed. M.J.de Goeje, Lungduni Batavorum, 1866. – 1376 p (кейинги ўринларда – Al-Balazuri. Liber_expugnationis regionum).

6. Ал-Балазури. Китаб футух ал-булдан (Книга завоевания стран) Пер. Ш. Закирова // Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2003. – С. 123-235 (кейинги ўринларда – Балазури. Китаб футух ал-булдан).

7. Исфижоб – Асбижоб ёки Исбижоб – Бинкатдан 4 марҳала масофада жойлашган шаҳар ва вилоятнинг номи. Бошқа манбаларда унинг номи Исфижоб, Испижоб, Исбишоб ва Истижоб шаклида ҳам келтирилган. Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида аш-Шошдан шимолда жойлашган шаҳар ва вилоят. Илк ўрта асрларда маъмурий жихатдан аш-Шош вилоятига қарашли бўлган. Унинг харобалари ҳозирги Чимкент шаҳри яқинидаги Сайрам қишлоғида жойлашган. Қаранг: Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал – ард. – Б. 107.

8. Қарлуқлар ёки халлух – Илк ўрта асрлардаги хитой манбаларида қарлуқ этноними гэ-ло-лу деб ўқилувчи иероглиф шаклида қайд этилган. Қадимги руник туркий битикларда уч қарлуқ номли қабилалар иттифоқи қайд этилган бўлиб, улар турклар ва уйғурлардан мустақил ва уларга қарши бўлганлар. IX аср бошларида қадар Фарғонадан

Тарбанд (Ўтроп)гача бўлган худудлар, яъни Сирдарёнинг юқори ва ўрта оқими ҳавзасида жойлашган деярли барча ерлар қарлуқларга қарашли бўлган. Қаранг: Ибн Хордатбех. Книга путей и стран. Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н.Велиховой. Баку. Элм, 1986. – 277 с

9. El-Mas'udi. Historical ensiclopedia entitled Meadows of gold and mines of gems. Translated from the Arabic by Aloys Sprenger. Vol. I. London: Printed for the oriental translation fund of Great Britain and Ireland, 1841. – P. 310-312 (кейинги ўринларда – El-Mas'udi. Historical ensiclopedia..)

10. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Соч. IV том, М., – Л., 1957, 156-158-бетлар.

11. Розен В. Р. О мешхедской рукописи, Иран 1924, 237-248-бетлар.

12. Ибн Хордатбех. Книга путей и стран. Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н.Велиховой. Баку. Элм, 1986. 27 с.

13. Farmer H. G. A History of arabian Misol to the XIII-th centure. London, 1929.

14. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран / Перевод с Арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н.Велихановой. – Баку: Элм. 1986.

15. Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (қадимги замон ва ўрта асрлар). – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б. 115-116.

16. Қуйи Нушажон –Тороз яқинида бўлган

17. Қаср Басни – Чу дарёси водийсини тадқиқ қилган А.Н.Бернштам уни Суйғути сойи ва атрофи деб ҳисоблаган

18. Қарлуқ туркларининг асосий қисми ўзбек миллатининг таркибига кирган.

19. Халаж турклари XI–XII асрларда Ғарбий Ҳиндистонга кўчган ва пуштулар билан ассимиляцияга кирган. Ҳозир афғонларнинг гилзай қабиласи қадимда халаж турклари бўлган деб ҳисобланади.

20. А.Н.Бернштам Кул Шубни Еттисувдаги Қайиндига мос келтиради.

21. Жул Шуб аслида Жул Шубнинг ўзи деб ҳисобланади. (қаранг: Караев О. Арабские и персидские источники источники IX–XI вв. о киргизах и Киргизии. – Фрунзе, 1968, с.71–72)

22. Қулон – ҳозир Еттисувда, Луговое бекати яқинида, шу номли кент.

23. Бирки – ҳозирги Мерки шаҳри.

24. Асбара (Ашбара) – ҳозирги Ашпара шаҳри

25. Нузкат – ҳозир унинг харобалари Қорабойи яқинида Шиштепа мавзеида сақланган

26. Харанжаван – баъзи манбаларда Харран ҳам дейилган. А.Н.Бернштам уни Оксув дарёсининг ўнг соҳилидаги Чалдивор (Оқтепа) харобалари деб ҳисоблайди
27. Жул – А.Н.Бернштам уни Бишкекдан 8 км ғарбдаги Чўла Қозоқ харобалари билан мос келтиради
28. Сариг – А.Н.Бернштамнинг фикрига кўра, бу қишлоқ Бишкекдан 32 км шарқдаги Қизилсув харобаларига мос келади.
29. А.Н.Бернштам туркашлар ҳоқонининг пойтахтини Бурани харобаларига мос келтиради
30. Навкат – кўп араб географлари эслатган. Мовароуннахрнинг шарқдаги йирик шаҳар. А.Н.Бернштамнинг тадқиқотларига кўра, унинг ўрни Орловка қишлоғи яқинидаги харобаларда бўлган.
31. Юқорида эслатилган Кубалдан ўзининг ўрнашган жойи билан фарқ қилади. А.Н.Бернштамнинг археологик тадқиқотларига кўра, бу шаҳар Новороссийское қишлоғи яқинидаги харобалар ўрнида бўлган.
32. Юқори Нушажон – муаллифнинг сўзларига кўра, бу шаҳар Шарқий Туркистоннинг марказий қисмида бўлган.
33. Ўзбекистон тарихи (хрестоматия). 2-жилд 2-китоб. Ўзбекистон IX–XV асрлар манбаларида. – Тошкент, 2004. – Б. 66.
34. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. В кн.: И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV. М. –Л., 1957. С. 194-198.
35. Al-Makdisi. Descriptio imperii moslemici auctore Schamso'd-din Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn abi Bekr al-Banna al-Basschari al-Mokaddasi. Ed. M. J. de Goeje, Lungduni Batavorum, 1877; ed. 2: 1906. – 514 p (кейинги ўринларда – Al-Makdisi. Descriptio imperii..).
36. Çelıktaş Müslüme Melis. Ak hunlar tarihi üzerine Türkiye ve dünyada yapılan çalışmaların değerlendirilmesi. Ankara, 2011. – S. 2 (кейинги ўринларда – Çelıktaş Müslüme Melis. Ak hunlar tarihi...).
37. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. 198-199-бетлар.
38. Ахмедов Б. Ўзбекистон манбалари тарихи (қадимги замон ва ўрта асрлар). – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б. 122.
39. Ибн Ҳавқал. Китаб сурат ул-ард. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. С. Камолиддин. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.– Б. 8.

40. Ибн Ҳавқал. Китаб сурат ул-ард. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. С. Камолиддин. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.– Б. 5.